

**DEVELOPMENT OF THINKING OPERATIONS OF PRESCHOOL AND
PRIMARY EDUCATION CHILDREN**

¹Kalendarova Zarafshan Kalbaevna, ²D. A Abdurahmanova

TSPU named after Nizami Teacher of the department of "Preschool education technologies"¹, Teacher of the department of "Higher Mathematics" in Tashkent State Pedagogical University named after Nizami²

ABSTRACT

This article describes how to properly develop the thinking of preschool children, methods of implementing thinking skills and a key indicator of the level of development of thinking which are given complete information about the truth.

Keywords: education, thinking, logic, preschoolers

INTRODUCTION

Фикрлаш қобилиятларини амалга ошириш усуллари фикрлашни ривожлантириш даражасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам болаларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш даражасини аниқлаш ҳамда мантикий масала ва машқлар ёрдамида болаларда бу операцияларни ривожлантириш дастурларини апробация қилиш мақсадида тажриба ишларини ўтказиш лозим. Асосий вазифамиз мактабга тайёргарлик гуруҳи ва бошланғич таълим болаларининг фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш даражасини аниқлаш, тажриба гуруҳи болаларида мантикий масала ва машқлар ёрдамида фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва апробация қилиш, назорат ва тажриба гуруҳи болаларида фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш даражасини ошириш динамикасини аниқлашдан иборат бўлди. Бунинг учун биз Р.С.Немова ва Н.А.Бернштейн методикалари ҳамда «Тўртинчиси ортиқча» методидан фойдаландик. Методикалар мазмунини сифатли таҳлил қилиш эса берилган кўрсаткичлар бўйича амалга оширилди.

MAIN PART

Фикрий қобилиятларни ривожлантириш даражасининг сифатли кўрсаткичлари: юқори даража 22-19 балл, ўрта даража 16-12 балл, паст даража 12 баллдан кичик. Тажриба жараёнида қуйидаги маълумотлар олинди (2.1-жадвал).

2.1-жадвал

Таҳлис натижалари сифат кўрсаткичлари

№	Болаларнинг исми	1-топшириқ	2-топшириқ	3-топшириқ
Тажриба гуруҳи				
1	Мурод	5	2	5
2	Азиз	2	2	4
3	Ботир	6	2	5
4	Салим	8	3	8
5	Карим	2	1	2
Ўртача балл:		4,6	2	4,8
Назорат гуруҳи				
1	Азиза	2	2	2
2	Карима	7	2	6
3	Сухроб	8	3	6
4	Маъмур	9	2	10
5	Бегзод	2	1	1
Ўртача балл:		5,6	2	5

Жадвалдан кўринадики, назорат гуруҳида ўртача балл тажриба гуруҳига қараганда юқори. Сифатли натижаларни таҳлил қилиш билан қуйидагиларни кўриш мумкин (2.2.-жадвал).

2.2-жадвал

Тажрибанинг сифат натижалари

№	Болаларнинг ф.и.ш.	Умумий баллар	Шаклланганлик даражаси
Тажриба гуруҳи			
1	Мурод	12	Ўртача
2	Азиз	8	Паст
3	Ботир	13	Ўртача
4	Салим	19	Юқори
5	Карим	5	Паст
Назорат гуруҳи			
1	Азиза	6	Паст
2	Карима	15	Ўртача
3	Сухроб	17	Ўртача
4	Маъмур	19	Юқори
5	Бегзод	21	Юқори

Тажрибанинг бу босқичидаги таҳлил натижалари куйидагиларни кўрсатди.

1-методика. «Бу ерда нима ортиқча?». Мазкур методикани ўтказиш давомида шу нарсани аниқлашга эришилдики, тажриба гуруҳидаги 10 нафар боладан 5 нафари топширикни тўғри бажаришди (1-юқори, 4-ўртача даража), яъни, анализ ва умумлаштиришга қобилиятли, 5 нафари паст даражани кўрсатишди. Назорат гуруҳида натижа анча яхши бўлди. 10 нафар боладан 6 нафари топширикни тўғри бажаришди ҳамда бажаришга кам вақт сарфлашди (3 юқори даража, 3 ўртача даража). Топширикни тўғри бажарган болалар таҳлил қилиш ва умумлаштириш қобилиятига эга. 4 нафар бола эса топширикни бажаришлари учун 3 дақиқа вақт сарфлашди. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар иккала гуруҳда топширикни умуман бажара олмаган болалар бўлмади.

2-методика. «Ҳодисаларнинг кетма-кетлиги». Мазкур методикани ўтказиш давомида аниқланишича, тажриба гуруҳининг 10 нафар боласидан 7 нафари топширикни тўғри бажаришди (2 нафари юқори даража, 5 нафар ўртача даража), яъни болалар умумлаштириш, сабабларини аниқлаш, объектлардаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш каби фикрлаш операцияларини эгаллаган. 3 нафариди мазкур фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш даражаси паст. Назорат гуруҳида 8 нафар бола диагностик таҳлил даврида қўйилган топширикни бажара олди (2 нафари юқори даражада, 6 нафари ўртача даражада). Диагностик таҳлил натижалари, болаларнинг умумлаштириш, ходисалар ўртасидаги алоқаларни тушуна олиш қобилияти борлигини кўрсатди. Бу гуруҳда топшириқларни бажара олмаганлар сони 2 нафар. Мазкур методика натижаларидан, биз назорат ва тажриба гуруҳлари болаларининг умумлаштириш, анализ, синтез каби фикрлаш операцияларини ривожлантириш даражаси ҳақида фикр юритишимиз мумкин.

3-методика. «Тўртинчиси ортиқча». Мазкур методикани ўтказиш давомида шунини аниқландики, назорат ва тажриба гуруҳларда натижалар бир хил, яъни 10 нафар боладан гуруҳда 6 нафари топширикни удалади (2 нафари юқори, 4 нафари ўртача даражада). 4 нафарининг умумлаштириш ва таснифлаш қобилияти даражаси пастлиги кузатилди. Бу методикадаги диагностик таҳлил натижалари шундан далолат бердики, кўпчилик болалар ҳам тажриба, ҳам назорат гуруҳларида умумлаштириш, классификациялаш каби фикрлаш қобилиятларини эгаллаган. Болалар осонгина ортиқча сўзларни ажрата олишди. Паст даражали болаларда умумлаштириш ва классификациялаш қобилияти суст ривожланган.

Барча диагностик таҳлил қилинувчи методикалар бўйича олинган маълумотлар натижаларини таққослаш анализи кўрсатишича, мактабгача ёшдаги тажриба гуруҳлари болаларида фикрлаш қобилиятларининг шаклланганлик даражаси назорат гуруҳидагиларга нисбатан паст. Бу иккала гуруҳда диагностик таҳлил ва умумлаштириш операциялари, энг беҳато – таққослаш ва классификациялаш операциялари.

CONCLUSION

Шундай қилиб, тажриба маълумотларини таҳлил қилиш билан педагогик фаолиятда болаларнинг фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга педагог-тарбиячиларнинг етарли даражада эътибор қаратмаётганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Педагоглар ўз диққатини ўйинли таълимий фаолиятдан ташқарида фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга, уларни қўллаш усуллари ва воситалари кабиларга қаратмайди. Мактабгача ёшдаги ва бошланғич таълим болаларида фикрлаш қобилиятларини такомиллаштиришнинг энг яхши усули мантикий масала ва машқлар ҳисобланади. Бунда болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари инобатга олинади ҳамда ўйин турлари таклиф этилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон фармони.
2. Ш.Шодмонова. Мактабгача таълим педагогикаси. Т., «Fan va texnologiya», 2008, - 160 б.
3. Абашина, В.В. Профессиональная подготовка будущих педагогов к управлению математическим развитием детей дошкольного возраста. Дисс. канд. пед. наук. - Сургут, 1998. - 184с.
4. Бикбаева Н.У “Болалар боғчасида математика машғулотларини ривожлантириш” Т 1998.